

Абдулла Қаҳхор таваллудининг 110 йиллигига  
АБДУЛЛА ҚАҲХОР ВА НУКТАДОНЛИК САНЪАТИ

С.Мўминов, Г.Розикова

**Аннотация**

Ушбу мақолада нуктадонлик санъати ва унинг Абдулла Қаҳхор нутқида қўлланилиши таҳлил этилган.

**Аннотация**

В данной статье анализируются особенности искусства «нуктадонлик» (остроумия) выдающегося писателя Абдуллы Каҳхара.

**Annotation**

In this article outstanding writer Abdulla Kahhar's ability to witticism, so characteristic of talented and quick-witted persons, is analyzed.

**Таянч сўз ва иборалар:** нукта, нуктадонлик, нуктафаҳм, нутқ, ҳозиржавоблик, кашфиёт, адаб.

**Ключевые слова и выражения:** острота, отроумие, сообразительный, находчивый речь, импровизация, открытие, писатель.

**Key words and expressions:** witticism, witty, quick-witted, speech, improvisation, discovery, writer.

Ҳар бир ижодкорнинг бошқаларникига ўхшамайдиган индивидуал хусусияти, нутқ услуби бўлади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Абдулла Қаҳхорда нуктадонлик алоҳида ажралиб туради. Журналхонларга тушунарли бўлиши учун, аввало, бу тушунча билан боғлиқ атамаларнинг луғавий маънолари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиш. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу атамаларга шундай изоҳ берилган: НУКТА [арабча – ўткир, донолик билан айтилган гап; қочирим; туб маъно, моҳият; нозик тафсилот, икир-чикир] Мулойим гап-сўз, рамзу ишоралар билан ифодаланган жумла, гап. НУКТАДОН – билувчи, билимдон. НУКТАФАҲМ – масаланинг туб моҳиятини, нозик, майда-чўйда тафсилотларини яхши биладиган, ўткир фикрловчи [5.65].

Кўринадики, нукта – янги фикрий кашфиёт, демакдир. Яъни бир ҳаётий хуласа, охорли ўхшатиш, кутилмаган муболага, мақол ва матал воситасида фикрни жонлантириш, фавқулодда янги фикр айтuvчи кишига нисбатан нуктадон дейиш мумкин [4]. Абдулла Қаҳхор айнан мана шундай фазилатга эга бўлган ижодкор эдилар. Бу ҳақда у кишининг замондоши – таникли рус адаби Константин Симонов қўйидагиларни баён этади: “Абдулла Қаҳхор билан шахсан танишганимда, унинг мен учун ардоқли бўлган яна бир хислатини сездим: у ўта ҳозиржавоб бўлиб, ўзининг ҳозиржавоблигини билган кишилар, одатда жуда камдан-кам тортинчоқ

бўлади, аммо Қаҳхор ниҳоятда тортинчоқ эди. У ўзининг билимдонлигини, ҳозиржавоблигини ҳамсухбатига кўрсатишга шошилмас, теша тегмаган сўзларини асосан адабиёт учун, оқ қофоз билан танҳо қолган вақтлари учун асраб қўяр эди...” [2.43].

“Абдулла Қаҳхор бадиий сўз қадрини яхши билган сўз заргари эди, – дея хотирлайди адабнинг фарғоналик шогирди Иброҳим Раҳим, – Шунданмикинки, у сўз ишлатиша жуда-жуда хасис эди. Бисотидаги бениҳоя, беҳисоб сўз бойлигини ниҳоятда хасислик билан сарфларди – чертиб-четиб, қониқан сўзнигина қофозга битарди. Мулоқотда ҳам устоз Абдулла Қаҳхор ниҳоятда масъулият билан гапирав эдики, ҳар бир сўзи гўё аввалдан ўйлаб қўйилгандай пухта ва бир дунё маъно билдиради...” [1.213].

Адабнинг турмуш ўртоғи Кибриё Қаҳхорова “Чорак аср ҳамнафас” номли китобида Абдулла Қаҳхорнинг нуктадонлиги ҳақида куйидаги ҳаётий мисолларни келтиради: “Абдулла Қаҳхор оиласда ўта талабчан, ўта қаттиқўл эдилар. ...Ҳеч эсимдан чиқмайди: бир куни нимадир бўлиб, ўрним йиғиширилмай қолган экан, кўзлари тушиб:

– Ҳа, нима бўлди? Ўрнингиз худди пўст ташлаган илондай тўлғаниб ётибди! – дедилар.

С.Мўминов – ФарДУ профессори, филология фанлари доктори.  
Г.Розикова – ФарДУ ўзбек тилишуносиги кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.

...Бир куни чой дамлаб олдиларига қўйдим. Чойни қуийшлари билан қопқоқ пиёла ичига тушиб кетди. Бошқа одам бўлса: “Менга айтсангиз ҳам шуни боғлаб қўяр эдим-ку!”, деб танбех бериши мумкин эди. Абдулла Қаххор эса жилмайиб: “Ҳа, етказганига шукр, қопқогини ҳам чайиб ичадиган бўлдик!”, деганлар...

Бунақа охори тўкилмаган сўзу иборалар ўша заҳоти туғиларди...” [6.58,60].

“Устоз Абдулла Қаххор ёзганда ҳам, давра ва минбарларда гапирганда ҳам сўзниң қадрсизланишига, тилимизнинг камситилишига, унинг ҳар қандай “зааркунанда”ларига қарши аёвсиз курашар эдилар, – дея хотирлайди устознинг шогирдларидан бири Неъмат Аминов “Сўз қадри” номли мақоласида. – У киши худа-бехудага минбарга чиқишни, ваъзхонликни, асоссиз гапиришни сира ёқтиргмаганлар. Мабодо, бирор учрашувда сўзга чиқиш зарур бўлиб қолса, унга жуда катта масъулият билан тайёргарлик кўрганлар. Шунинг учун у киши ҳаётликларида фалон куни, фалон ерда Абдулла Қаххор сўзга чиқармиш, деганда залга одам сиғмай кетарди...” [3].

Абдулла Қаххорнинг нутқа бўлган масъулияти, ҳатто ёру биродарларининг туғилган кунига борадиган бўлсалар ҳам у ерда гапирадиган гапларини қофозга ёзиб, алоҳида эътибор билан тайёргарлик кўришлари Кибриё Қаххорова эсдаликларида алоҳида таъкидланади: “Абдулла Қаххорнинг ўзига хос хислатларидан яна бири шу эдики, у киши то айтадиган сўзларини қофозга туширмасалар, кўнгилга туғиб қўйган гаплари бўлмаса минбарга чиқмас эдилар. Тўй ёки ўтиришларга бориб қадаҳ кўтарганда айтадиган икки оғиз сўзларини ҳам аввал қофозга тушириб олардилар. Тайёргарлик кўрмасдан бирор маротаба минбарга чиқканларини билмайман. Бу, албатта,

минбарга чиққанда қофозга қараб гапирав экан, деган маънени англатмаслиги керак. Абдулла Қаххор доимо қофозсиз гапирадилар. Аммо минбарга чиқиб айтадиган сўзларини “етти ўлчаб, бир кесиб”, кўнгиллари тўлгачгина айтар эдилар. Бу ўша аудиторияга нисбатан ҳурмат сақлашнинг аломати эди...” [6.32].

Айнан шунинг учун ҳам Абдулла Қаххорнинг ҳам ёзма, ҳам оғзаки нутқи шинавандалари кўп бўлганлиги ҳақида замондош муҳлисларидан бири Асрор Самад қўйидагиларни эслайди: “ ... у киши билан учрашувга жоникиб бораардик. Учрашувдан кейин-ку “домла мундок дедилар, домла андок дедилар”, деган гап бир ойча, эҳтимолки, янги учрашувгача оғзимиздан тушмас эди. Устоз ҳар бир учрашувга янги, теша тегмаган гап билан келар эдилар, бир соатми, икки соатми бутун аудитория у кишининг оғзиларига қараб ўтиради. Бу – ноёб талант намунаси эди, бу унча-мунча нотиқнинг кўлидан келадиган иш эмас эди...” [2.3].

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов устоз ҳақида қўйидаларни эътироф этади: “Мен насрда бирор нарса ёзмаган бўлсам-да, доимо Абдулла Қаххорнинг шогирди саналардим... Абдулла ака доимо тутилмаган гапларни топиб айтгувчи эди. У кишининг қофозга тушмаган қанотли қочиримларини йиғса ҳам бир китоб бўлар...”

Хуллас, Абдулла Қаххорнинг нутқадонлик билан айтган гапларини йиғса, бир китоб бўлади ва уларни ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшунослик нутқаи назаридан алоҳида тадқиқ этиш филологларимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Ушу мақола эса мана шундай эзгу ниятда бошлаган ишимизнинг дебочасидир.

#### Адабиётлар:

1. Абдулла Қаххор замондошлари хотирасида. – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
2. Абдулла Қаххор ҳикматлари. – Т.: Ўзбекистон, 1990.
3. Аминов Н. Сўз қадри // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1989 йил 24 март.
4. Раҳмонов В. Нутқадонлик санъати // “Олтин қалам” газетаси, 2016 йил ноябрь (22 (246).
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2007.
6. Қаххорова К. Чорак аср ҳамнафас. – Т., 1987.

(Тақризчи: А. Сабирдинов, филология фанлари доктори.)